*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№258 (4953).
17 НОЯБРЬ 1982 Й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

**Шаҳарларнинг ва ишчи посёлкаларнинг меҳнаткашлари, студент ва ўқувчи ёшлар! Республикамиздаги колхозчи ва ишчи, инженер ва ўқитувчи, ёзувчи ва олим, хизматчи ва студент, мактаб ўқувчиси ва уй бекаси—ҳамма-ҳаммаси пахтакордир. Бизнинг республикамизда Ўроқ ва Болға мустаҳкам иттифоқи солномасига кўпдан-кўп ёркин саҳифалар, ёзилган. Ҳозир Ватан бизлардан янги зафарлар, янги қаҳрамонона ишлар кутмоқда.**

(Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаатидан).

# Сени Ватан кутмоқда, 6.000.000!

## Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг 6 миллион тонналик Ўзбекистон пахтаси учун курашда жасорат ва фидокорлик намуналарини кўрсатаётган тошкентлик ўғил ва қизларига

# ОЧИҚ ХАТИ

### *Азиз жигарбандларимиз!*

Бу мактуб билан сизларга Тошкентнинг барча меҳнаткашлари, сизларнинг ота-оналарингиз—станоклар ёнида туриб ишлаётган, уйлар қураётган, иссиқ нон ёпаётган, болаларни тарбиялаётган кишилар салом йўллайдилар.... Бизларнинг бутун эътиборимиз ва нигоҳимиз ҳосил тақдирини ҳал этаётган толмас билакли ёшлар бўлган, сизларга қаратилган.

**Биз, вақтинча ўз станокларингизни ташлаб, дарсликлар ва конспектларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, шаҳардаги шинам квартираларни дала шароитидаги палаткалардаги турмушга алмаштирган, ҳозир республиканинг поёнсиз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган Тошкент вакиллари бўлган сизлар билан ниҳоятда фахрланамиз. Сизлар ўзингиз яшаётган ерга, унинг асосий бойлиги — Пахтага бевосита дахлдорлигингизни яққол ва равшан англаб олганлигингиз билан фахрланаяпмиз.**

Ҳа, қадимий ва ҳамиша навқирон Ўзбекистон диёрида яшаётган ҳар бир киши «оқ олтин»— республикамизнинг асосий бойлиги эканлигини яхши билади. Пахтакор деҳқоннинг меҳнати нақадар оғирлигини ҳам яхши билади. Бу йил мана шу меҳнатнинг нақадар оғирлигини яна бир бор яққол кўрсатди. Баҳорда сувнинг ниҳоятда камчил бўлганлиги, ёзнинг қурғоқ келганлиги, кузда тинимсиз ёмғир ёғиб, ҳаво кескин совуб кетганлиги Ўзбекистон деҳқонлари учун жиддий синов бўлди. Лекин улар табиат инжиқликларига қарши бу курашда енгиб чиқдилар, мўл-ҳосил етиштирдилар. Пахта хирмони тобора осмонга бўй чўзмоқда. Ҳозиргача Ватанимизга Ўзбекистоннинг 5 миллион 700 минг тоннага яқин «оқ олтин»и етказиб берилди.

### *Севимли фарзандларимиз!*

Ана шу жуда катта хирмонда сизлар қилаётган меҳнатнинг каттагина улуши борлигидан биз бениҳоя бахтиёрмиз. Сизлар Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «Дала чорламоқда, ҳамма пахта теримига!» деган Мурожаатини ёш жўшқин қалбингиз билан чуқур ҳис этдингиз.

Мурожаатнинг қуйидаги сўзлари сизлардан бирортангизни лоқайд қолдирмади: «Республикада яшовчи ҳар бир киши «оқ олтин» ҳосилининг тақдири учун шахсан жавобгар эканини англаши, 82-йилги пахта ҳосили учун курашдаги ўз ўрнини виждон амри билан белгилаб олиши, шу долзарб кунларда пахтакор бўлишни ўзининг бош вазифаси деб ҳис этиши керак».

**Азиз ўғил ва қизларимиз, сизлар бу Мурожаатга жавобан пахтакор бўлдингиз, Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларининг колхозчилари, совхоз ишчилари билан биргаликда Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари — ишчилар, инженерлар, бинокорлар, олий ўқув юртларининг студентлари, техникум ва билим юртларининг ўқувчилари Ўзбекистоннинг олти миллион тонна пахтаси учун фидокорона курашмоқдалар.** Пахта далаларидан олинган маълумотларни ўқир эканмиз, Тошкентдан борган сиз, азиз пахтакорлар учун қалбимиз зўр фахр ва ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошади. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент области хўжаликларида меҳнат қилаётган ёш ишчилари ўз тенгдошлари — колхозчилардан сира қолишмай меҳнат қилмоқдалар. Тошкентдаги 3-таксопарк шоферлари уларга ишониб топширилган «зангори кемалар»ни моҳирона бошқармоқдалар. Улар бу йилги мавсумда ҳозиргача 1750 тонна «оқ олтин» териб бердилар. Тошкент политехника институтидан борган йигит ва қизларимизнинг ишлари қалбимизни қувончга тўлдирмоқда — улар хирмонга ҳозиргача 13 минг тоннадан зиёд пахта топширдилар!

Тошкент медицина институтининг 7 мингдан ортиқ студенти ва ўқитувчиси Жиззах областининг Пахтакор райони хўжаликларида меҳнат қилмоқда. Улар Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмонига 12 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» уйдилар. Тошкент Давлат университети коллективи Сирдарё областида зарбдорларча ишлаб, 11 минг тонна пахта териб берди. Геология-разведка, гидромелиорация техникумларидан, маданият институти, алоқа политехникумидан борган йигит ва қизлар ҳам худди ана шундай фидоийлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг бўлажак мутахассислари — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари меҳнатда яхши намуна кўрсатаётирлар. Сирдарё областининг Ильич районида ишлаётган ана шу ўқув юртининг 3500 студенти ва юздан ортиқ ўқитувчиси мавсум бошидан бери қарийб, 3,5 минг тонна пахта терди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг 750 студенти эса 10 сентябрдаёқ қўриқ Сирдарё ва Жиззах областларига бориб, терим техникасини ремонт қилишда қатнашди ва машина терими бошланганида «зангори кема»ларни бошқара бошлади. З. Жабборов, К. Жумабоев, А. Қурбонов, Б. Чориев сингари зарбдор мавсум илғорлари ҳозиргача машинада 80 тоннадан пахта териб беришди!

«Баъзан ёшларга барча асосий ишлар орқада қолиб кетгандек туюлади. Революция орқада қолди, Гражданлар уруши жанглари орқада қолиб кетди, улкан мамлакатни социалистик қайта қуриш йиллари, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонликлари орқада қолиб кетди... Йигит ва қизлар шундай деб ўйлашади. Аммо уларнинг даври ҳам келади, боболари ва оталарининг эстафетаси уларнинг қўлига ўтади ва шунда ўзларининг зиммаларига ҳам озмунча имтиҳон ва буюк ишлар тушгани маълум бўлади.

...Комсомол, Советлар мамлакатининг ёшлари... она заминимизда юз бераётган барча нарсаларга шахсий масъулиятни ҳис этишдек олижаноб туйғуга эга... ҳар қандай ишга ўзларининг романтик эҳтиросларини... ёшлик шижоатларини бахш этмоқдалар. Ёшлар коммунистик эътиқодли, партия ишига, улуғ Ленин ишига беҳад содиқ, Октябрь идеалларига садоқатли бўлиб камол топмоқда»,— деган эди Леонид Ильич Брежнев.

**Ҳа, ҳаётда жасорат кўрсатиш мумкин бўлган жабҳа ҳамиша топилади. Зотан бизнинг бахтиёр ва тинч давримиз жасорат кўрсатишни талаб қилади, қаҳрамонларни етиштиради. Эрта тонгдан кун ботгунча пахтазорда қаддини ростламасдан, чарчоқни писанд қилмай фидокорона меҳнат қилиш жасорат эмасми, ахир! Бугун энг оғир меҳнат жабҳасига айланган пахта далаларида юзлаб йигит ва қизлар жасорат кўрсатмаётирлармиди, ахир!**

ТошДУ биология факультети 3-курсининг студенти Суяр Раҳматуллаев мавсум бошидан бери 9 тонна пахта терди.

Геология-разведка техникуми 2-курсининг талабаси Ҳадича Пўлатова ўзининг нозик қўллари билан 3,5 тонна пахта терди.

Тошкент автомобиль йўллари институтининг студентлари Ботир Дадахўжаев ва Иззатулла Сатторов сингари азаматлар хирмонга 4 тоннадан ошириб пахта тўкдилар.

Кеча Жиззах областидан хушхабар келди: тўқимачилик ва енгил саноат институти студентлари Г. Пирова, Н. Маҳмудова, Э. Отаёров, ТошМИ студентлари С. Каримова, И. Кишнякин, Д. Мирзараимова, Ш. Отажонов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентлари К. Карашова, У. Вафасов, О. Наиметова, С. Смолин, П. Ўсаров, 11-техника билим юрти ўқувчилари И. Ҳасанов, К. Қўлдошев. А. Эгамов, Б. Ҳақбердиевлар меҳнатда ҳақиқий фидоийлик намуналарини кўрсатаётирлар.

Ҳа, улар, уларнинг ўнлаб ва юзлаб тенгдошлари ҳақиқий марду-майдонлардир! «Мард майдонда синалади!» деган ўзбек халқ мақоли ҳаммага маълум. Бизнинг авлодимиз, сизларнинг оталарингиз ва боболарингиз авлоди учун Улуғ Ватан уруши қандай жанг майдони бўлган бўлса, бугунги ёш авлод учун пахта даласи худди шундай жанг майдони бўлиб қолди.

Зотан 1942 йилнинг оғир куз кунларида фронтга юборилган ўзбек халқининг ўзбекистонлик жангчиларга Мактубини эслаб ўтиш ўринли бўлади. Мазкур мактуб жангчиларни янги жасоратларга илҳомлантирганди. Мактубда мана бундай сатрлар бор эди: «Ўзбек халқининг номига иснод келтирувчи иш қилмангиз. Болалик чоғларингизда оналарингиз сизга алла ўқиб танитган қадимги паҳлавонлар: Алпомишлар, Рустамлар, Равшанбеклар, Анвархонлар сизга ёр ва мададкор бўлсин.

Фарзанд дегани ўз меҳрибон ота-онасининг белига қувват ва мадор, уларнинг тепиб турган сердемакдир, бас шундай экан, ота-онанинг ор-номус юраклари ва оламни кўрадиган кўз қорачиғи мусини, ҳаёти ва тинчлигини сақлаш фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарз!»

### *Бурчимиз ва шон-шараф ишимиз*

**Ватанга Ўзбекистоннинг олти миллион тонна пахтасини етказиб бериш — бугунги кунда бизнинг шон-шараф ишимиздир! Мана шу жабҳада ҳар қанча жасорат кўрсатсак, ҳар бир киши ўз истеъдоди ва маҳоратини намойиш қилса, ўзи яшаётган диёрга нисбатан фарзандлик муҳаббатини иш билан исботласа арзийдиган пайт келди.**

**Ватан бизлардан жасорат кўрсатишни кутмоқда. Ҳозир ҳар бир кишининг уюшқоқлиги, барчанинг зарбдор меҳнати ҳар қачонгидан ҳам зарур. Партия бизлардан шуни талаб қилмоқда!**

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатида айтиб ўтилганидек, «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билдириб айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик кўрсатиб, Ленин партияси раҳбарлигида ўзларининг фидокорона ижодий меҳнатлари билан коммунистик қурилиш планларининг бажарилишини, социалистик Ватанимизнинг янада равнақ топишини таъминлайдилар». Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов буни яна бир бор таъкидлаганидек, «сафларимизни янада маҳкамроқ жипслаштириш, партия Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслашиш, ўз лавозимимизда, ўз ҳаётимизда совет халқининг бахт-саодати учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун, коммунизм тантанаси учун имкони борича кўпроқ иш қилиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир, ҳар бир коммунистнинг бурчидир».

Бу гаплар ҳозир республиканинг илғор жабҳасида, меҳнат ғайрати жўш урган пахта даласида ишлаётган кишиларга ҳам тамомила тааллуқлидир.

Ғалаба онлари жуда ҳам яқин. яна бир ғайрат кўрсатсак ғалабага эришамиз! Об-ҳаво инжиқликларига қарамай «оқ олтин» хирмонлари осмонга бўй чўзаверсин, ғалабага якдиллик билан интилишимизни ҳеч нарса тўхтата олмасин!

### *Терим қаҳрамонлари, биз сизларга ишонамиз!*

«Аҳдига вафодор фарзандгина онасининг кўзига нур бағишлай олади!» деган халқ ибораси бор. Она-Ватанга берган ваъдамизни бажарайлик — 6 миллион тонна «оқ олтин»ни териб олайлик!

Сизлар билан биргаликда тоғни талқон қилишга қодир эканлигимизга аминмиз. Пахта даласи жасорат кутаётир, жасорат кўрсатаверинг!

### *Сизларни ғалаба билан кутамиз!*

**Н. МАННОПОВ** — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, КПСС XXVI съезди делегати, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

**Н. ЖЕЛЕЗНОВ** — Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи слесарлар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси.

**И. ОРИПОВ** — Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати.

**Б. ТИХОМОЛОВ** — Улуғ Ватан уруши ветерани, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

**М. ХУДОЙБЕРГАНОВА** — Қаҳрамон она.

**УЙҒУН** — Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси.

**Н. САФАРОВ** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

**Б. ҚОРИЕВА** — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

**М. САМАТОВА** — Тошкентдаги 115-мактаб ўқитувчиси, СССР Олий Совети депутати.

**Т. САРИМСОҚОВ** — В. И. Ленин номли ТошДУ ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

**С. МИРАҲМЕДОВ** — В. Зайцев номидаги пахта селекцияси ва уруғчилиги Бутуниттифоқ институтининг директори, ВАСХНИЛ академиги, СССР Давлат мукофоти лауреати.

**Ў. ОРИПОВ** — ТошМИ ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.









СУРАТЛАРДА: бу йилги оғир пахта йиғим-терими мавсумининг ёш қаҳрамонлари.

